Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 224 (9720). • 1989 йил 24 ноябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитетида учрашув

22 ноябрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида ҳозирги вақтда Москвага келиб, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясида малака ошириш курсларида ўқиётган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи секретарлари билан учрашди.

Ҳозирги аграр сиёсат, қишлоқда янги иқтисодий муносабатларни ўзлаштириш мамлакат озиқ-овқат комплекси тараққиётини кадрлар билан, ташкилий жиҳатдан ва ресурслар билан таъминлаш масалалари хусусида рўй-рост, қизғин фикр алмашув бўлди. КПСС Ростов область комитетининг секретари В. М. Губский, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Камай, КПСС Приморье ўлка комитетининг секретари В. В. Зорин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Гринцов, КПСС Олтой ўлка комитетининг секретари Г. А. Сивченко, КПСС Мурманск область комитетининг секретари Е. Б. Комаров, КПСС Краснодар ўлка комитетининг секретари В. П. Бражник, Қозоғистон Компартияси Жамбул область комитетининг секретари В. Ф. Чернов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. С. Силаев ва П. И. Мостовой ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шундан кейин М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашувда Е. К. Лигачев, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов қатнашдилар.

(ТАСС).

## Бир неча номзоддан танлаб олишмоқда

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ ноҳия ва шаҳарларида жумҳурият халқ депутатлиги, ҳамда маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

● Тошкент ноҳиясидаги 181-Навоий сайлов мавзесидаги Навоий номли колхоз аъзоларининг шу муносабат билан ўтказилган йиғилиши юқорида номи келтирилган хўжалик раиси Ғани Валиев билан бригадир Деҳқонбой Муҳаммадовларни вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия қилди. Овоз бериш якунларига кўра 99 фоиз овоз олган Ғани Валиев вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

— Раис номзодини кўрсатганимизнинг сабаби шуки, унинг вилоят Советидаги фаолияти даврида ўзининг шахсий фикри ва қарашларини рўй-рост айта олишини, керак бўлганида бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қила олишини биламиз, — дейишди йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар.

● Шунингдек, 20 ноябрь куни Ангрендаги 65-сайлов мавзесида бўлган йиғилишда ҳам кимнинг шаҳар Совети депутатлигига номзод бўлиши белгилаб олинди. Бу ерда ўтказилган йиғилишнинг ибратли томони шундаки, шаҳарликлар ўз номзодларини кўрсатишда демократиянинг қонун-қоидаларига амал қилишди. Улар Абдукарим Худойқуловни беш нафар муқобил номзоднинг ичидан танлаб олишди. Мажлисда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси у ҳақда фақат яхши гапларни айтдилар.

Номзодлар кўрсатилаётганлиги ҳақида сўз борар экан, шу нарсани алоҳида таъкидламоқчимизки, жумҳурият халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишда қатнашаётган сайловчиларнинг аксарият кўпчилиги бу муҳим масалага бефарқ, лоқайд муносабатда бўлаётганликлари яққол сезилиб турибди. Чунончи, меҳнат коллективлари йиғилишларининг биронтасида ҳам муқобил яъни бир нечта номзод таклиф этилаётгани йўқ. Биринчи бўлиб кўрсатилган номзод ҳақида 3—4 киши бир-икки оғиз гапириб, шу билан жумҳурият Олий Совети депутатлигига кимни номзод қилиб кўрсатиш масаласи ҳал қилиб юборилмоқда. Ҳолбуки, ҳар қандай коллективда халқнинг мухтор вакили бўла оладиган иқтидорли кишилар ягона эмас, албатта.



● ТОВОҚСОЙДАГИ рўзғор химияси ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Галия Аширалиева нормани доим 110 фоиздан бажармоқда. Айни вақтда мураббийлик ҳаракатида фаол қатнашаяпти.

В. Портнов сурати.

## ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИДА

Пискент район партия комитетида ўтказилган давра суҳбатидан мақсад — районда истиқомат қиладиган партия ходимлари билан Тошкент шаҳри ва пойтахт области олий ўқув юртлари студентларининг биргаликдаги ҳаракат программасини ишлаб чиқишдан иборат.

Районда ўнлаб ихтисосларда малакали кадрлар етишмайди. Районимизнинг кўпгина йигитлари институтларни тамомлагандан кейин бу ерга қайтиб келмайдилар, — дейди Пискент район партия комитетининг биринчи секретари Т. Холбоев. — Бунда студентлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб туриши, турли ташкилий масалаларни ҳал этишда уларга ёрдам бериши лозим бўлган партия ходимлари айбдордирлар.

Пискентда ўтказилган ана шу учрашувга олий ўқув юртлари студентлари ва ўқитувчиларидан 60 дан ортиқ киши келди. Фикрлашув ошкора бўлди, ғоят хилма-хил масалалар: бўлажак мутахассисларни район хўжаликлари учун лойиҳалар ва ишланмалар бажаришга жалб этиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки масалалари ўртага қўйилди. Учрашув қатнашчилари «Пискент» совхозида, «Гулистон» ва Калинин номли колхозларда бўлиб, хўжаликлар ишнинг илғор методига амалда қандай ўтказилаётганлиги, ижтимоий масалалар қай тариқа ҳал этилаётганлиги билан танишдилар. Кўпгина студентларни бўлинмаларнинг раҳбарлари диплом ёқлаб олгач, хўжаликка ишга келишга таклиф этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга янги омил бахш этилди: 22 ноябрь куни Москвада Канада-Совет амалий кенгаши тузилгани тўғрисида таъсис ҳужжати имзоланди. Маросимда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ва Канада Бош министри Б. Малруни иштирок этдилар. Ҳукумат бошлиқлари шу муносабат билан сўзлаган нутқларида СССР билан Канада ўртасида амалий ҳамкорлик, савдони кенгайтиришга, адлия соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга, савдо-сотиқ ахборотини тўплашда, семинарлар ва кўргазмалар ташкил этишда, пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериши лозим бўлган ана шу ноҳукумат ташкилотининг тузилиши муҳимлиги таъкидланди.

Шу куниёқ Б. Малруни Совет ва Канада савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашди. У «Спорт ҳамма учун» Совет-Канада мусобақалари иккинчи босқичининг Қизил майдонда очилиши маросимида иштирок этди.

* * *

Кечқурун Канада Бош министри Москвадан Киевга жўнаб кетди. Аэродромда меҳмонни ва унинг рафиқасини Н. И. Рижков рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи сессияси 1989 йил 25 ноябрь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 24 ноябрда соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида ва 25 ноябрь куни эрталаб соат 8 дан 30 минут ўтгандан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 25 ноябрь соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

• Агросаноат бўлимида

## ҲОСИЛ ОТРЯДИ ҲАРАКАТДА

Колхоз бу йил 600 гектар майдонда пахта етиштирган эди.

— Режамизни бироз кечикиб бўлса ҳам 103 фоиздан ошириб бажардик, — дейди колхоз раиси М. Аҳмаджонов. — Тўғрисини айтиш керак, Фарғонадаги бўлиб ўтган воқеаларнинг таъсири бизда ҳам билинди. Айни иш қизғин пайтларда кўпгина месхети турклари кетиб қолишди. Бу дала ишларнинг анча маҳалгача ўлда-жўлда қолишига сабаб бўлди. Лекин кўпчилик астойдил меҳнат қилди. Далаларда мўлжалдаги ҳосилни етиштирдик.

Колхозда ишлар конвейер усулда олиб борилмоқда. Бир томонда кўсак териш машиналари ишлаб турди. Ҳар куни озми-кўпми хом ашё қабул пунктларига жўнатилмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерлар эса пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Бу иш учун 10 та трактор ажратилган. Ҳар куни 50—60 гектар ер ҳайдалмоқда. Шу ойнинг охиригача шудгорлашни тугаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Мутахассислар тажрибакорлар билан биргаликда ерни соғломлаштириш тадбирларини белгилаб чиқишди. Шу туфайли кузги-қишки юмушлар картограмма асосида олиб борилмоқда.

Олди бригадалар ҳосилдорликни 38 центнерга етказишган. Лекин маълум бўлишича хўжаликда 200 гектарга яқин ернинг унумдорлиги пасайган. Энг биринчи навбатда ер ҳайдашдан олдин ана шу майдонларга гектарига 30—50 тоннадан ҳисоблаб гўнг солинмоқда.

Умуман хўжалик деҳқонлари бундан буён кўпроқ маҳаллий ўғитдан фойдаланишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда «ҳосил отряди» тузилган. Бу уюшмага иккита юкловчи агрегат, 2 та юкни ўзи ағдарадиган машина, кажаваси бор 10 та трактор бириктиб қўйилган. Уюшма аъзолари ҳар бир қулай фурсатдан, имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз фермаси ва маҳаллалардан ташиб келтирилаётган маҳаллий ўғит дала бошига олиб чиқилмоқда. Бир қисми ерга солинмоқда, қолгани эса ерга кўмилиб чиритиб қўйилмоқда.

— Ҳозиргача ҳаммаси бўлиб далага минг тоннадан ортиқ ўғит чиқарилди, — дейди уюшма бошлиғи, хўжаликнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономи Саидаҳмад Юсупов. — Биз бу ишни кундан кунга кучайтирмоқдамиз.

Хўжаликда катта-катта майдонларда сабзавот ҳам етиштирилди. Бу соҳадаги режани бажариш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Кечки карам, турп, шолғом, ошқовоқ ва бошқа экин ҳосилини йиғиб-териб олиш тугалланмоқда.

Шу билан бирга парникларда эрта баҳорда далага чиқариб экиш учун кўчат тайёрлаш ҳам бошлаб юборилди. Қиш мавсуми деҳқонлар учун иш мавсуми эканлигини ҳар бир соҳада кўриш мумкин.

Колхоз меҳнаткашлари йилни муваффақиятли якунлаш, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ,
Янгийўл райони.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

## ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Вилоят партия комитетининг навбатдаги бюро мажлисида вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган биринчи галдаги тадбирлар кўриб чиқилди.

Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотлари директорлар кенгашининг ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга қарши курашни кучайтириш, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш бўйича Тошкент вилояти меҳнат коллективларига мурожаати маъқулланди.

Бюрода Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатларига бўладиган сайловга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилотчилик ва мафкуравий ишлар плани тасдиқланди.

Вилоятнинг хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## ҒОЛИБГА—АВТОМОБИЛЬ

● БЎСТОНЛИҚ. Ноҳия ижроия комитети ташаббуси билан йўл бекатларини жиҳозлашни яхшилаш мақсадида махсус конкурс ташкил этилганди. Конкурсга саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари жалб этилди. Улар жорий йилда ноҳия ҳудудидаги ўнга яқин автобус бекатларини қуриб, жиҳозлашди. Конкурс комиссияси Ғазалкент шаҳар «Новый город» маҳалласида қурилган автобус бекатига юқори баҳо бериб, унинг бунёдкорларини енгил автомашина билан мукофотлади.

Ф. НУРМАТОВ.

## ЕР ҲАЙДАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

ДЕҲҚОНЧИЛИК йили якунланмоқда. Катта меҳнат эвазига етиштирган ҳосилларини йиғиб-териб олган пахтакорлар, сабзавоткорлар янги мавсумга тайёргарликни авж олдириб юбордилар.

Ҳозирги кунда уларнинг асосий диққат-эътибори кузги-қишки тадбирларни маромида ва сифатли бажаришга қаратилгандир. Ер ҳайдаш бу соҳадаги тадбирларнинг энг муҳими ва ҳал қилувчисидир.

Областимизда ҳаммаси бўлиб 260 минг гектар экин экиладиган ва ҳайдалиши зарур бўлган майдонлар бор. Илғор хўжаликлар халқимизнинг ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда деган нақлига амал қилган ҳолда иш олиб бориб яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозиргача областимизда 200 минг гектарга яқин майдон ҳайдаб бўлинди. Ҳар куни 1600—1700 трактор ишлаб турибди. Ҳар бир ҳайдов тракторининг кунлик иш унуми ўртача 5 гектарни ташкил этмоқда.

Айниқса, пахта далаларида иш қизғин. Ҳосилдан бўшаган 70 минг гектар майдоннинг ғўзаси майдаланиб ҳайдалди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 300 килограммдан аммофос ва калий ўғити солинмоқда. Бу ишлар картограмма асосида ташкил этилаётир.

• Дала ишлари кундалиги •

Мутахассисларнинг тавсиясига биноан унумдорлиги паст ҳисобланган 8,5 минг гектар майдонга гўнг чиқариб солинди.

Иш пухта ташкил этилган, техникалар яхши жиҳозланган, механизаторларга шароитлар яратиб берилган районларда ер ҳайдаш суръати юқори бўлмоқда. Бунга Оққўрғон, Коммунистик, сабзавоткор районлардан Бўстонлиқ районини мисол қилиб келтириш мумкин.

Афсуски айрим районларда кузги шудгорнинг қадрига етилмаяпти. Фурсат бой берилмоқда. Айниқса, Оҳангарон райони бу соҳада орқада қолмоқда. 21 ноябргача бўлган маълумотга қараганда бу районда бор-йўғи 39 процентга яқин экин экиладиган майдон ҳайдалган, холос. Янгийўл, Тошкент районларининг деҳқонлари ҳам бу муҳим агротехник тадбирни амалга оширишда сусткашлик қилмоқдалар.

Нега? Ахир куз яхши келаяпти-ку. Техникадан ҳам нолиб бўлмайди. Механизатор кадрлар ҳам етарли. Бизнингча ҳамма гап шундаки хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ишни пухта ва режали ташкил этолмаяптилар. Жойларда ер ҳайдашнинг борориши назорат қилинмаяпти. Кўпгина раҳбарлар ҳали вақт эрта, деб хотиржамликка берилганлар. Бу аҳволда кўзланган мақсадга эришиш қийин. Ахир об-ҳавонинг бундан буён ҳам яхши келади деб ҳеч ким аниқ бир кафолат беролмайди-ку! Кейинги пушаймондан фойда йўқ. Қолаверса кузги-қишки тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар ҳам кўп. Ариқ-зовурларни тозалашни ҳам бошлаб юбориш керак. Сабзавоткор хўжаликларда, айниқса, ҳар бир кун ғаниматдир. Ҳали кечки экинларнинг маълум қисми далада ётибди. Уларни йиғиштириб олишга ҳам улгуриш зарур. Бунинг устига эртаги экинлар учун сабзавот кўчатларни тайёрлашга киришадиган вақт ҳам етиб келди.

Келгуси йил ҳосил хирмонининг баракаси айни кунларда яратиладиган заминга боғлиқдир. Бу заминнинг пухта ва ишончли бўлиши учун эса шу кунларда қайғуриш, энг биринчи навбатда ер ҳайдашни узоғи билан 1 декабргача тугаллаш зарур.

АГРОСАНОАТ БЎЛИМИ.

• Қишлоқ мухбирларимиз ёзадилар

## ТАДБИРКОРЛИКДА ГАП КЎП

ЎША табиий офат юз берган куни Чиноз ноҳиясидаги С. Раҳимов номли колхознинг Рўзимуҳаммад Раҳмонов бошлиқ бригада даласида бўлган киши уларнинг бугунги меҳнат натижаларига ишонқирамаслиги ҳам мумкин. Зеро, ҳақиқатан ҳам бемаврид совуқ юз фоиз униб чиққан ғўза ниҳолларини бир кечада ер билан битта қилиб кетган эди. 1-Май кунидаёқ 70 гектар майдонга қайтадан барака уруғи қадашни бошлаб юборишди. Бу иш уч кунда якунланди. Лекин ғўзанинг ривожи ўтган йилга нисбатан кам деган, да йигирма кун орқада эди.

Тадбиркорлик, фидокорона меҳнат ўзининг самарасини берди. Далаларда мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримни ҳам пухта ташкил этишди. Мана натижа, Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ошди.

А. ОБИДОВ.

## ИШНИ ТЎХТАТИШМАЯПТИ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ҳар бир тадбирни ўтказишнинг ўз мароми бўлади. Маматқул Абдураҳимов бошлиқ бригада аъзолари ана шунга қатъи амал қилишади. Шунинг учун ҳам улар Янгийўл ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» колхозида пахта теримига биринчи бўлиб киришиб, йиллик режаларини ва мажбуриятларини барвақт бажардилар. Энг муҳими ҳосилнинг 70 фоизи юқори навларга сотилди.

Бу бригадада айни кунларда ҳам иш тўхтатгани йўқ. Ҳосилдан тозаланган майдонларда кузги тадбирлар бошлаб юборилди. Механизаторлар Юсуф Мамараҳимов, Ўриш Турғунов, колхозчилар Очилой Саматова, Каромат Эгамбердиева, Дилором Саидова ва Анорхон Суяровалар дала ишларини бажаришда барчага ўрнак бўлишмоқда.

М. ТУРҒУНОВА.

## 31 ЦЕНТНЕРДАН ОШИРИШДИ

ЯҚИНДА Пискент ноҳиясидаги «Пискент» совхозининг Баҳром Дўнгбоев бошқарувчилик қилаётган 4-бўлими далаларида бўлдик. Ўшанда сўнгги чаноқлардаги ҳосил йиғиб-териб олинаётган эди. Бўлим бошқарувчиси натижани сарҳисоб қилди. Бу 450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 28,4 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганлигини кўрсатди. Деҳқончилик учун мураккаб келган йилда бу яхши натижа албатта.

Сўнгги йилларда бўлимда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари дадил жорий этилмоқда. Мавжуд техникадан тўла қувват билан фойдаланилмоқда. Масалан, етиштирилган ҳосилнинг 80 фоиздан ортиғи машиналар ёрдамида териб олинди. Мана шуларнинг ҳаммаси муваффақият келтирмоқда.

Биз даладан қайтар эканмиз, бўлимнинг Алимбой Турдиев, Анвар Назаров, Тошмурод Одилов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда шудгорлаш ҳам бошлаб юборилганлигини кўрдик.

С. АҲМЕДОВ,

* * *

ШУНИНГДЕК, редакциямизга Бекобод ноҳиясидан З. Ялғашева, ғалабалик О. Сўпихонов, пискентлик И. Алиқулова, бекободлик Т. Усмонов ва Ш. Қозоқбоева ҳамда Орджоникидзе ноҳиясидан Т. Қодиров ўртоқлар ҳам қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг фидокорона ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар йўллашган.



● ПИСКЕНТ районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозида илғор чорвадорлар кўп. Ана шулардан бири Қундузой Тожиқуловадир (чапда). У айни кунларда қарамоғидаги 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 10 литрдан ошириб сут соғиб олмоқда. Ферма бузоқбоқари Тожинниса Мирзаева (ўнгда) ҳам қарамоғидаги 110 бош бузоқни келини Гулчеҳра билан парвариш қилиб юқори натижаларга эришмоқда.

А. ИКРОМОВ сурати.



## БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

29 ноябрь соат 20 дан 30 минут ўтганда «Тошкент» студияси Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун кўрсатувлар программаси бўйича **«XIV уюшмалараро Тошкент вилояти касаба уюшмалари конференцияси олдидан»** деган мавзудаги кўрсатувни намойиш этади.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ходимлари Сизни эфир орқали бевосита мулоқотга таклиф этадилар.

«Тошкент» студиясининг қуйидаги телефонлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин: 41-00-01, 41-92-76, 41-92-79, 41-01-62.

**Тошкент вилоят касаба уюшмалар кенгаши.**

## КАТТА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия илмий текшириш институти лабораторияларида суғориладиган ерлар юзасини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шу изланишлар жойларда геоэкологик ландшафт бўйича программа тайёрлаш учун илмий-амалий манбалар бўлиб хизмат қилаётир.

Жумҳуриятимиз пойтахтининг экологик программасини тузиш муносабати билан илмий муассаса ландшафт геоэкологияси бўйича кузатишларни бошлаб юборди. Атроф-муҳитнинг софлиги учун кураш билан боғлиқ бундай тадқиқотлар «Красноholмскгеология» геологик бирлашмаси билан илмий ҳамкорлик ҳолида олиб борилмоқда. Мазкур бирлашма ўз бюджетидан радиологик кузатишлар ўтказиш учун катта маблағ ажратди. Бу пуллар 250 таноб майдонда кузатиш ва тажриба ишларини олиб бориш учун сарфланади.

С. ОДИЛОВА.

